

Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOIIY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2023-yil 14-sentabr, payshanba

№ 38 (9254)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi

“Ўзбекистон – 2030” стратегияси:

ПОЙТАХТДА ЯШИЛ МАЙДОНЛАР 5 БАРОБАР КЎПАЯДИ

Юртимизда табиий ҳудудларни сақлаб қолиш, уларни қайта тиклаш, экологик муҳитни яхшилаш, ўсимлик дунёсини, яшил майдонларни кўпайтириш ва ривожлантиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар мунтазам амалга ошириб келинмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг тегишли фармони билан бутун мамлакат миқёсида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилди. Давлат ўрмон фондида кирмайдиган дарахтлар ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилишига муддатсиз даврга мораторий эълон қилинди ҳамда уларни ноқонуний кесганлик юзасидан таъсирчан чоралар белгиланди.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳар йили камида 200 миллион туп дарахт экиш назарда тутилган. Маълумотларга кўра, ўтган 2022 йилда жами 202,7 миллион туп дарахт кўчатлари экилган бўлса, мазкур кўрсаткич жорий йил баҳор мавсумида 127,7 миллион тупни ташкил этган. Кўчат экиш ишлари вилоят, туман, маҳаллалар, таълим муассасалари, вазирлик ва идоралар кесимида тасдиқланган манзилли дастурлар асосида йўлга қўйилган. Бутун мамлакат бўйлаб яшил майдонлар ҳажмини 30 фоизга етказиш режалаштирилган.

Қайд этиш жоизки, давлатимиз раҳбарининг фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида экология соҳасида ҳам қатор мақсад-вазифалар aks этган. Эндиликда соҳадаги сайёҳаракатлар ушбу Стратегияда белгиланган вазифалар доирасида янада изчил давом эттирилади.

Бу борада Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси аъзоси Равшан Бегматов куйидагиларни таъкидлади:

– Экологик барқарорликни таъминлаш, яшил ҳудудлар кўламини кенгайтириш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бирига айланган. “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида ҳам экологик барқарорликни таъминлашга, атроф-муҳит мусоффолигини сақлашга хизмат қилади. Шундай экан, бу борадаги вазифалар ижросида ҳар бир фуқаро шахсий дахлдорлиқни ҳис қилган ҳолда фаол иштирок этиши мақсадга мувофиқдир.

Стратегияда кўрсатилган вазифаларга кўра, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 444 та яшил боғлар барпо этилади. Бу

нинг учун барча давлат идоралари, корхоналар, таълим муассасаларининг ҳудудида “яшил боғлар” ташкил қилинади. Айниқса, йирик саноат корхоналари жонбозлик кўрсатиши назарда тутилган. Яъни, 112 та йирик саноат корхонаси уч йил давомида 30 миллион туп кўчатдан иборат “яшил белбоғ”лар барпо этиши белгиланган.

Ўрмонлар майдонини кенгайтириш борасида ҳам вазифалар кўзда тутилган бўлиб, ҳусусан, республиканинг ўрмон билан қопланганлик даражасини 8,1 фоизга етказиш, Оролбўйи минтақасидаги ўрмонзорларни 1,9 миллион гектарга етказиш, Орол денгизининг қуриган тубида қўшимча 200 минг гектар яшил майдонларни барпо этиш мақсад-вазифалари ифодаланган.

Бундан ташқари, иқлим ўзгариши салбий таъсирининг олдини олиш мақсадида чўлланиш, қургўчилик, чанг-қум бўронлари ва ҳароратнинг кўтарилишига қарши туришда муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, Тошкент шаҳрида яшил майдонлар ҳудуди 5 баробар кўпайтирилади. Барча шаҳар ва туман марказларида ҳар 50 – 100 минг аҳоли учун “жамоат парклари” ташкил этилади. Умуман, соҳадаги чора-тадбирларни қўлайтириш эвазига республикамизда яшиллик даражасини 12,4 фоизга етказиш мақсад қилинган. Албатта, бу сайёҳаракатлар табиатимиз, атроф-муҳитимиз, экологиямизни асраб-авайлашда долзарб ўрин тутаети, – дейди депутат.

Дарҳақиқат, Стратегияда экология соҳасига оид белгиланган ҳар бир мақсад-вазифа юртимизда экологик барқарорликни таъминлашга, атроф-муҳит мусоффолигини сақлашга хизмат қилади. Шундай экан, бу борадаги вазифалар ижросида ҳар бир фуқаро шахсий дахлдорлиқни ҳис қилган ҳолда фаол иштирок этиши мақсадга мувофиқдир.

Муҳтарам КОМИЛОВА, ЎЗА МУХБИРИ.



ЎЗБЕКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИ XVIII БУТУНЖАҲОН СУВ КОНГРЕССИДА ҚАТНАШДИ

2023 йил 11 сентябрь куни Пекин шаҳрида XVIII Бутунжаҳон сув Конгрессининг очилиш маросими бўлиб ўтди. “Сув ҳамма учун: инсон ва табиатнинг уйғунлиги” мавзусидаги тадбир Халқаро сув ресурслари ассоциацияси (IWRA) ва Хитой Халқ Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги томонидан ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазири Ш.Хамраев бошчилигидаги делегация иштирок этди.

Бутунжаҳон сув Конгресси бутун дунё бўйлаб сув ресурслари соҳасида сиёсатчилар, тадқиқотчилар ва амалиётчиларни тўплайдиган кенг кўламли анжуман ҳисобланади. Бу галги анжуманда дунёнинг 60 дан ортиқ мамлакатлари ва сув ресурслари билан шуғулланувчи 130 дан ортиқ халқаро ташкилот ва тузилмалардан вакиллар, шунингдек, Хитойнинг сув ҳўжалиги соҳасидаги 700 га яқин мутахассислари иштирок этди. Конгресс очилишида Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазири

Ш.Хамраев сўзга чиқиб, иштирокчиларни мамлакатимиз сув ҳўжалигини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, сув ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясида белгиланган вазифалар ва уларнинг ижроси, сув ресурсларини самарали бошқариш ва оқилона фойдаланиш, сувни тежаш, ахборот-коммуникация, рақамли ва бошқа технологияларни кенг миқёсда жорий этиш борасида эришилаётган натижалар ҳақида тақдирот қилди.



Ўзбекистон томонидан минтақа мамлакатлари билан яхши қўшничилик муносабатларини икки ва кўп томонлама шаклда яхшилаш, трансчегаравий сув ресурсларини биргаликда бошқариш, давлатлараро каналлар ва иншоотлардан фойдаланиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар кўрсатиб ўтилди. Тадбир доирасида Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазири Ш.Хамраев ва Хитой Халқ Республикаси Сув ҳўжалиги вазири Ли Гуоинг ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда мамлакатларимиз ўзаро ишонч ва манфаатли ҳамкорлиқни мустақамлашга катта эътибор қаратиб, умумий тараққиёт, фаровонликка эришиш йўлида изчил сайёҳаракатларни амалга ошираётганлиги, ҳар томонлама стратегик шериклик даражасига кўтарилган

Ўзбекистон-Хитой муносабатлари юксак даражага кўтарилганлиги, бунда мамлакатларимиз раҳбарлари – Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг хизматлари алоҳида эканлиги таъкидланди.

Узоқ йиллар давомида Хитой компаниялари бош пудратчи сифатида халқаро молия институтларининг кредитлари ҳисобидан Ўзбекистонда сув ҳўжалиги соҳасида амалга оширилаётган йирик сармоявий лойиҳаларда фаол иштирок этиб, насос станцияларини қуриш ва модернизация қилиш, йирик гидротехника иншоотларини, жумладан, каналларни автоматлаштириш ва реконструкция қилиш бўйича инвестиция лойиҳаларида муваффақиятли ишламоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

АҲОЛИ ТОМОРҚАЛАРИНИ СУВ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ УЧУН СУБСИДИЯЛАР АЖРАТИЛМОҚДА

Мамлакатимизда сув таъминоти оғир ҳудудларда артезиан қудуқларини бурғулаб, ишга туширган фуқароларга давлат бюджетидан субсидия маблағлари ажратилмоқда.

Сув таъминоти оғир ҳудудлардаги аҳоли томорқалари ва қишлоқ ҳўжалигида фойдаланилмаётган ер майдонларини суғориш учун вертикал суғориш қудуқларини бурғулаш, дарёлар, каналлар ва бошқа сув объектларидан сув чиқариш воситаларини сотиб олиш ва ўрнатишни давлат томонидан субсидия ажратиш орқали қўллаб-қувватлаш тартиблари жорий этилган. Унга кўра, аҳоли томорқа ерини суғориш учун чуқурлиги 10 метрдан, Қорақалпоғистон Республикаси учун 5 метрдан ортиқ бўлган кичик ҳажмдаги ҳар бир вертикал суғориш қудуғини бурғулаш ва ишга тушириш билан боғлиқ харажатларнинг биринчи метридан бошлаб 100 фоизини, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваридан ошмаган қисмини, камида 30 та аҳоли томорқа ерларини суғориш учун катта ҳажмдаги вертикал суғориш қудуқларини бурғулаш ва ишга тушириш билан боғлиқ харажатларнинг 100 фоизини, бироқ 150 миллион сўмдан ошмаган қисмини, фуқароларга очик электрон танлов орқали деҳқон ҳўжалиги ташкил этиш учун 0,15 гектардан 2 гектаргача бўлган ўлчамларда 30 йилга ижарага берилган ва битта контурда ёки ёнма-ён иккита контурда жойлашган камида 30 та деҳқон ҳўжаликлари ерларини суғориш учун катта ҳажмли вертикал

томорқалари ва қишлоқ ҳўжалигида фойдаланилмаётган ер майдонларини суғориш учун вертикал суғориш қудуқларини бурғулаш, дарёлар, каналлар ва бошқа сув объектларидан сув чиқариш воситаларини сотиб олиш ва ўрнатишни давлат томонидан субсидия ажратиш орқали қўллаб-қувватлаш тартиблари жорий этилган. Унга кўра, аҳоли томорқа ерини суғориш учун чуқурлиги 10 метрдан, Қорақалпоғистон Республикаси учун 5 метрдан ортиқ бўлган кичик ҳажмдаги ҳар бир вертикал суғориш қудуғини бурғулаш ва ишга тушириш билан боғлиқ харажатларнинг биринчи метридан бошлаб 100 фоизини, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваридан ошмаган қисмини, камида 30 та аҳоли томорқа ерларини суғориш учун катта ҳажмдаги вертикал суғориш қудуқларини бурғулаш ва ишга тушириш билан боғлиқ харажатларнинг 100 фоизини, бироқ 150 миллион сўмдан ошмаган қисмини, фуқароларга очик электрон танлов орқали деҳқон ҳўжалиги ташкил этиш учун 0,15 гектардан 2 гектаргача бўлган ўлчамларда 30 йилга ижарага берилган ва битта контурда ёки ёнма-ён иккита контурда жойлашган камида 30 та деҳқон ҳўжаликлари ерларини суғориш учун катта ҳажмли вертикал

суғориш қудуқларини бурғулаш ва ишга тушириш билан боғлиқ харажатларнинг 100 фоизи, бироқ 150 миллион сўмдан ошмаган қисмини қоплаш белгиланган. 2020-2023 йиллар давомида республикамиз бўйича 2130 та, жумладан, 518 та кичик қудуқ, 1608 та катта вертикал суғориш қудуқларининг қазилиши натижасида Кенгаш ҳўзуридаги Жамғарма томонидан 196580,2 млн. сўм субсидия маблағлари ажратилган. Амалга оширилган тадбирлар натижасида сув таъминоти оғир ҳудудлардаги 48,7 мингдан ортиқ томорқа ер эгаларига тегишли 5 минг 851 гектар экин ер майдонларини сув билан таъминлашга эришилди.

Давлат томонидан қишлоқ ҳўжалигини мазкур йўналишларда молиявий қўллаб-қувватлаш орқали субсидия маблағларининг ажратилиши ҳудудларда камбағалликни қисқартириш, аҳолини қўшимча даромад манбаи билан таъминлаш, аҳолининг томорқа ерларидан самарали фойдаланиш, бозорларда озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш ва нарх-наво барқарорлигини сақлашга хизмат қилади.

Ғазилдин ҲАМРАЕВ, Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси бўлими етакчи мутахассиси.

ГЕНДЕР ТЕНГЛИККА ЭРИШИШ СТРАТЕГИЯСИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛМОҚДА?

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Уларни раҳбарлик лавозимларига тайёрлаш, илм-фанни ривожлантириш, аёллар малакасини ошириш мақсадида олимпиада хотин-қизлар иштирокида “PhD сари қадам” мавзусида ўқув курси ташкил этилди. “Келажак: илмий қизлар ҳамжамияти” таълим-алмашинув дастури йўлга қўйилди.

Инсон ҳуқуқлари ва гендер тенглик масалалари бўйича раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакавий салоҳиятини кучайтириш бўйича ўқув курслари жорий қилинди.

Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказлари томонидан меҳнат жамоаларида зўравонлик турлари ва уларнинг олдини олиш бўйича қисқа муддатли семинар-тренинг ташкил этилиб, унда икки мингдан зиёд иштирокчи қамраб олинди.

Олий Мажлис Сенати кенгашининг навбатдаги мажлисида 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини 2023 йилда амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури ижроси муҳокамаси жараёнида юқоридаги маълумотлар келтириб ўтилди.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида мазкур дастур ижроси бўйича тегишли ишлар амалга оширилгани қайд этилди. Сенаторлар Гендер тенгликка эришиш стратегияси доирасида белги-

лаб берилган вазифалар ижросини таъминлашдаги айрим камчиликларни танқидий муҳокама қилди. Хусусан, зўравонлик содир этган шахсларнинг ҳуқуқ-авторини ўзгартириш бўйича реабилитация тадбирларини ўз ичига олган махсус дастур ишлаб чиқиш вазифаси ўз якунига етказилмагани айтилди.

Давлат иштирокидаги корхоналарнинг кузатув кенгашига номзодлар юзасидан эълон қилинган танловларга Миллий кадрлар захирасидаги хотин-қизларнинг номзодларини жалб қилишга етарлича эътибор қаратилмагани танқид қилинди.

Давлат органлари ва ташкилотларида, ҳудудлардаги корхона, ташкилот ва муассасаларда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш бўйича маслаҳат кенгаши органлари фаолиятини йўлга қўйиш борасидаги ишларни жадаллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Кенгаш мутаассадди идора ва ташкилотларни 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини 2023 йилда амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури доирасидаги вазифаларнинг ўз вақтида ҳамда сифатли бажарилиши масалаларига масъулият билан ёндашишга чақирди.

Н.АБДУРАИМОВА, ЎЗА МУХБИРИ.



ГЛОБАЛ ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ШАРОИТИДА ПАХТАЧИЛИКДАГИ МАВЖУД МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ АЙРИМ ЕЧИМЛАРИ

Бугунги кунда дунё бўйича иқлимнинг ўзгариб бораётганлиги инсоният олдидаги энг жиддий муаммо эканлиги тобора намоён бўлмоқда.

Бу эса инсониятнинг турмуш тарзи-га, халқ ва қишлоқ ҳўжалигининг турли соҳаларига етарлича салбий таъсири-ни кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам айни вақтдаги ҳолат иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларини ўз вақтида олдини олиш ҳамда бартараф этиш учун кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар қўришни тақозо этмоқда.

Маълумки, мамлакатимиз иқлими кескин континентал бўлиб, ёзи иссиқ, киши эса нобарқарор совуқдир. Респу-

бликамизда кузатиладиган энг иссиқ йилларда ёзда энг юқори ҳарорат +44 даражадан +46 даражача, республикамизнинг жанубий ва чўл зоналарида +47 дан +50 даражачага кўтарилади. Чўл ва ярим чўл ҳудудларда йил давомида 100-120 мм. ёғин ёғса, тоғларда бу кўрсаткич 700-800 мм.ни ташкил этади.Республика гидрометеорология хизмати маркази маълумотларига кўра, республикамизда кейинги 150 йил ичида ўртача йиллик ҳарорат 1,6

даражага ошган. Бу эса ҳавонинг ҳарорати ҳар йили ўрта ҳисобда 0,01°С га ошиб бораётганлигини англатади. Яна бошқа бир манбаларга кўра, 2030-2050 йиллар оралиғида минтақада ҳаво ҳароратининг яна 1,5-3 даражага кўтарилиши башорат қилинган. Мутахассислар фикрича, бу глобал миқёсда кузатилаётган ўртача ўсиш суръатларидан юқори эканлиги таъкидланади.

(Давоми 3-саҳифада)

ЎЗБЕКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИ ХVIII БУТУНЖАҲОН СУВ КОНГРЕССИДА ҚАТНАШДИ

(Боши 1-саҳифада)


Хитойнинг илмий-тадқиқот институтлари билан сув ҳўжалиги соҳасида лойиҳалар ва илмий тадқиқотларни биргаликда амалга оширишда ҳам ҳамкорлик мустаҳкамланиб бормоқда.

Ш.Хамраев хитойлик ҳамкасбларнинг сув ҳўжалиги соҳасидаги илғор тажрибаси Ўзбекистонда сув ҳўжалигини янада ривожлантиришга бекиёс ҳисса қўиши, Ўзбекистон ва Хитой сув масалалари бўйича ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш учун улкан салоҳиятга эғалигига урғу берди.

Ли Гуойинг Хитой томони Ўзбекистон билан сув ҳўжалиги соҳасида ҳамкорликка тайёр эканлиги билдирди.

Учрашув дўстона ва конструктив руҳда ўтди.

Конгресс тадбирлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирли Ш.Хамраев Осиё тараққиёт банки ва Хитойнинг Са-риқ дарё ҳавзаси комиссияси то-



монидан ташкил этилган “Сув ресурсларини барқарор бошқаришда экологик ёндашувни жорий этиш” мавзусидаги махсус сессияда маъруза билан иштирок этди.

Ўзбекистонда сув ва ресурсларни тежайдиган, илғор ахборот - коммуникация ва рақамли технологияларни сув ҳўжалиги соҳасида жорий этишга катта эътибор қаратилаётганлиги, Ўзбекистонда

Орол фожиаси ва иқлим ўзгариши оқибатларини камайтириш бўйича узоқ мuddатли комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилаётганлиги, Орол денгизининг қуриган тубида ва унга туташ ҳудудда ҳимоя ўрмон плантацияларини яратиш орқали Оролбўйи минтақасида экологик вазиятни яхшилаш бўйича чора-тадбирлар қўрилаётганлиги тўғрисида маълумот берди.

Шунингдек, Осиё тараққиёт банкнинг 150 млн долларлик кредит маблағларини жалб қилган ҳолда “Иқлим ўзгаришига мослашишни ҳисобга олган ҳолда Орол денгизи ҳавзасида сув ресурсларини бошқариш” янги лойиҳаси бошланганини маълум қилиб, Осиё тараққиёт банки раҳбариятига Ўзбекистонда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда кўп йиллик муваффа-

қиятли ҳамкорлик ва республика сув ҳўжалиги соҳасини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун алоҳида миннатдорлик билдирди.

Конгресс давомида сув ресурсларини бошқариш соҳасидаги илмий ва технологик ютуқлар кўргазмаси бўлиб ўтди, унда сувни бошқаришнинг ноёб технологияси ва тажрибаси, сув билан боғлиқ инновацион маҳсулотлар, ишлаб чиқариш технологияси ва жараёни ҳамда бошқа маҳсулотлар намоиш этилди.

Ўзбекистон делегацияси аъзолари кўргазмага қўйилган сув ҳўжалигини рақамлаштириш, замонавий сув ўлчаш қурилмалари, гидротехник иншоотлар бошқаруви жараёнини автоматлаштириш, қурилишда ишлатиладиган материаллар, сувни тежовчи технологиялар каби инновацион янгиликлар билан танишди ҳамда хитойлик ҳамкорлар билан алоқа ўрнатиш учун маълумот алмашди.

Сув ҳўжалиги вазирлиги ахборот хизмати



УМИД ВА ИШОНЧ МАНЗИДИ

Жорий йилнинг 7 ойи давомида Янги Наманган тумани ҳудудида яшовчи аҳолидан “Ишонч телефони”, веб-сайт, почта, сайёр қабуллар ҳамда халқ қабулхонаси орқали 3442 та мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан 2512 таси ижобий ҳал этилди.

Мурожаатларнинг асосий қисмини ичимлик суви, электр таъминоти, ички йўлларни таъмирлаш ҳамда тиббий қўмакка муҳтож фуқароларнинг жарроҳлик амалиёти ва даволаниши учун ордер олиш масалалар ташкил этган. Шунингдек, болалар нафақаси, моддий ёрдам олиш бўйича ҳам мурожаатлар келиб тушган.

Юқоридаги масалалар юзасидан тумандаги маҳаллаларда хонадонбай ўрганиш ва сайёр қабуллар ташкил қилиниб, бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Масалан, Ёшлик маҳалласида 14,7 км. ички йўллар асфальт қилинди, 12 км. қисми шағаллаштирилди, 13,2 км. ичимлик суви тармоғи тортилди, 27 дона янги таянч устунлар ўрнатилди. Бундан ташқари, болалар нафақаси ва моддий ёрдам сўраб мурожаат қилган 226 нафар фуқарога қўмак берилди. “Ёшлар дафтари”да турган 16 нафар фуқарога олий таълим муассасасида ўқиш учун контракт пули тўлаб берилди. 24 нафар фуқарога даволаниш учун ордер олиб берилди ҳамда 57 нафар фуқаро дори-дармон билан таъминланди. Шунингдек, туман ҳокими Ж.Абдуллаев ҳамда туман Халқ қабулхонаси мудирли ҳамкорлигида оғир турмуш шароитига эга бўлган, бошланасиз, уй-жойга муҳтож хотин-қизларнинг 8 нафари уй-жой билан таъминланди.

Аҳолидан келиб тушган мурожаатларни ўрганишда юзаси ёндашган ва ихро мuddатларига амал қилмаган ташкилотларга чора қўриш учун 6 та таклиф ва 15 та тақдимнома киритилиб, 4 нафар раҳбар маъмурий жавобгарликка тортилди, 2 нафар ҳодимнинг меҳнат шартномаси бекор қилинди, 9 нафарига эса “хайфсан” интизомий жазо чораси қўлланилди.

Адхамжон АЛИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Янги Наманган туманидаги Халқ қабулхонаси мудирли.

ЁНГИНДАН ОҒОҲЛИК УМУММИЛЛИЙ КАМПАНИЯСИ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 4 августдаги “Ёнгинлар профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ёнгин хавфсизлиги соҳасида давлат назоратини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида юртимизда Ёнгиндан оғоҳлик – умуммиллий кампанияси доирасида профилактик тадбирлар олиб борилмоқда.

Сергели туманида жойлашган ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган объектларда ушбу қарор мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш ҳамда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилиши кўзда тутилган. Бунда таълим масканларида услубий машғулотлар, корхона ва ташкилотларда эвакуа-

ция режалари, ўт ўчириш бўйича амалий машғулотлар ўтказилади. Азиз юртдошлар! Ёнгиндан оғоҳлик – умуммиллий кампания доирасида олиб борилаётган профилактик тадбирларда фаол иштирок этинг!

Ибодулла ЖУМАЕВ,
Сергели тумани ФВБ Профилактика ва назорат бўлимида инспектор, катта лейтенант.

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ: АҲАМИЯТИ ВА АФЗАЛЛИКЛАРИ

Соғлом турмуш тарзи жисмоний ва руҳий барқарорликни таъминлашда муҳим рол ўйнайди. Ҳозирги замонда стресс, нотўғри овқатланиш, кўп ўтириш меъёрга айлангани боис, ҳар бир инсон ўз соғлиғига аҳамият бериши ва соғлом турмуш тарзига эришиш учун керакли чора-тадбирларни қўриши лозим.

Абу Али Ибн Сино таълимоти бўйича соғлом турмуш тарзи йўналишларига: тўғри овқатланиш, жисмоний тарбия, тўғри дам олиш, фаслга қараб кийиниш, зарарли одатлардан сақланиш, тана вазнини меъёрида сақлаш, турли хил зўриқишлардан сақланиш киради.

Соғлом турмуш тарзи ўз ичига мунтазам жисмоний фаоллиқни, тўғри овқатланишни, вақтида дам олишни, тамаки чекиш ва алкоголь истеъмол қилиш, наркотик моддаларни қабул қилишдан бош тортнишни олади.

Соғлом турмуш тарзининг муҳимлигини кўрсатадиган қатор омиллар бор. Сурункали касалликларнинг олдини олиш. Соғлом турмуш тарзи юрак-қон томир тизими касалликлари, қандли диабет, семизлик ва хавфли ўсма-ларнинг олдини олишга имкон беради. Мунтазам жисмоний фаоллик ва тўғри овқатланиш вазини меъёрда ушлаш ва соғлиқ ҳолатини яхшилашда ёрдам беради.

Жисмоний ҳолат ва қувватни яхшилаш. Соғлом турмуш тарзи жисмоний ҳолатни яхшилайти, чидамлилиқни ва қувватни оширади. Мунтазам жисмоний машқлар мушакларни мустаҳкамлайди, юрак-қон томир тизимининг мослашувчанлигини оширади.

Рухий барқарорликни ошириш. Жисмоний фаоллик шунингдек, бахт гормони эндорфинларни ва серотонин ишлаб чиқарилишига мойиллик қилади. Эндорфинлар стресс ва депрессия билан курашишга ёрдам беради, кайфиятни яхшилайти, тушқунлик ва хавотирли ҳолатлар ривожланиш хавфини камайтиради.

Соғлом турмуш тарзи иммун тизимини мустаҳкамлаб, инсон организмни инфекция ва касалликларга чўлинишининг олдини олади. Шунингдек, тўғри овқатланиш, витамин ва минералларга бой овқатланиш, жисмоний машқлар иммунитетнинг етарли даражада ушлаб турилишига ёрдам

беради.

Умри узоқлик, ташқи қўринишни яхшилаш, ҳаёт сифатини ошириш соғлом турмуш тарзининг афзаллиқларига киради. Тери, сочлар, тирноқлар ҳолатининг яхшиланиши инсоннинг ўзига бўлган ишончини оширади.

Соғлом турмуш тарзи жисмоний ва ақлий иш қобилиятини яхшилаб, меҳнат фаолияти унумдорлигининг ошишига ва ҳаётнинг турли жабҳаларида муваффақиятга эришилишига сабабчи бўлади.

Соғлом овқатланиш соғлом турмуш тарзининг бир қисми ҳисобланиб, организмни керакли озиқ моддалар, витаминлар ва минераллар билан таъминлайди, турли касалликлардан ҳимоя қилади. Мева, сабзавотлар, дуккакилар, оқсил ва фойдали ёғларни истеъмол қилиш соғлом овқатланишнинг асосини ташкил қилади. Углевод, оқсиллар ва ёғлар комплекси секин-аста қонга ажралади ва организмни энергия, қурилиш маҳсулотлари билан таъминлайди. Шу билан бирга қандга (газланган ширин ичимликлар), тузга (сухариклар, пишлоқлар, тузланган балиқ, балиқ икриси, тузланган маҳсулотлар), тўйинган ёғ кислоталарига бой маҳсулотлар (ёғли гўшт, қаймоқ, ҳайвон ёғлари) истеъмолини камайтириш зарур. Етарли миқдорда сув истеъмол қилиш зарур. Шунингдек маҳсулотларнинг миқдори ва сифатига эътибор бериш лозим.

Соғлом овқатланиш носоғлом овқатланишга нисбатан кам калория тутиши сабабли вазннинг, қувватнинг бир меъёрда ушлаб турилишига ёрдам беради.

Етарлича дам олиш, уйқу соғлом турмуш тарзига эришишга ва қўлаб туришга, асаб тизими фаолиятига ёрдам берувчи омиллардандир. Салқинроқ хонада (17-18°С) ухлашга одатланиш лозим. Ақлий ва жисмоний меҳнат уйқудан бир соат олдин тўхтатилиши лозим. Илоҳи борица



бир вақтда ухлашга одатланиш зарур. Кам ухлаш жисмоний ва руҳий соғломликнинг ёмонлашишига, хавфли ўсма касалликларини ривожланиш хавфининг ошишига олиб келади. Мунтазам ва етарлича уйқу организмнинг қайта тикланишига ёрдам беради, иммун тизимини мустаҳкамлайди, диққат ва меҳнат маҳсулдорлигини оширади, юрак-қон томир ва сурункали касалликлар ривожланишининг олдини олади, юрак-қон томир тизими, ўпка тизими, ҳаракат-таянч тизими, эндокрин тизими фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади. Катта ёшдагиларга тунда 7-9, болалар ва ўсмирларга 8-10 соат ухлаш тавсия қилинади.

Жисмоний фаоллик пиёда юриш, скандинавча юриш, югуриш, сузиш, йога, рақс ва бошқа спорт турларини ўз ичига олади. Ҳар бир инсон ўзининг ёши ва соғлиғига тўғри келадиган жисмоний фаоллиқни танлаши ва шуғулланиши зарур. Жисмоний фаоллик инсонга ҳузур бахш этиши ва жисмоний имкониятларига мос келиши лозим. Жисмоний машқларга ҳафтасига бир неча марта камид 150 минут сарфлаш лозим. Лекин жисмоний машқлардан олдин агарда бирон-бир сурункали касаллик ёки соғлиқ билан боғлиқ бошқа муаммолар бўлса шифокор билан маслаҳатлашиш лозим. У оптимал юкламини белгилаш ва

спорт билан хавфсиз шуғулланиш бўйича тавсия беради.

Тамаки чекиш кўпгина касалликларни: ўпка раки, сурункали обструктив ўпка касаллиги, юрак-қон томир тизими, меъда-ичак тракти касалликларини ривожланишининг сабабчиси-дир. Чекишни ташлаш қийин жараён, лекин шу йўл билангина соғлиқни яхшилаш мумкин. Бунинг натижасида кўпгина касалликлар ривожланишининг олди олинади, юрак ва ўпка фаолияти, организмнинг умумий ҳолати яхшиланади, иммунитет тикланади, мия дегра-дациясининг олди олинади.

Наркотик моддаларни истеъмол қилиш жисмоний ва руҳий соғломликка жиддий зарар кўрсатади, руҳий қарамликка, жамиятда ижтимоий поғонада пастлаб боришга, турли хавфли касалликларнинг ривожланишига йўл очади. Тамаки ва алкоголь маҳсулотларини 21 ёшгача бўлган шахсларга сотилишининг тақиқланиши соғлом турмуш тарзига, соғлом жамиятни ривожлантиришга эришишда катта ютуқдир.

Ақлий меҳнат билан фаол шуғулланиш ёш ўтган сайин ақлий қобилиятнинг пастлаб кетишининг олдини олади, бу эса юрак ва қон-томир тизими ишини фаоллаштиради.

Ўз фикр ва нуқтаи-назарига эга бўлиш, онгли ҳаёт депрессияга тушиш хавфини камайтиради. Ўзига ёқадиган иш билан шуғулланиш инсонга қувонч бахш этади, ортиқча стресслардан ҳимоя қилади, асаб тизимига ижобий таъсир кўрсатади, соғлиқни асрайди, қариш жараёнини секинлаштиради.

Соғлом турмуш тарзи ҳаёт мазмунига айланиши лозим. Ҳар қандай ишни бир маромда бажариш, кун тартибига риоя қилиш, соғлом овқатланиш тамойилларига риоя қилиш, тозалик соғлиқ гарови эканлигини ёдда сақлаш, танани доимий равишда чиққитириб бориш, билим олишга интилиш, вақтни унумли ўтказиш, тиббий қўриқдан мунтазам равишда ўтиб туриш лозим.

Юқоридагилардан шундай хулоса қилиш мумкин, соғлом турмуш тарзи жисмоний ва руҳий соғломликни, узоқ ва сифатли ҳаёт кечиришни таъминлайди.

Ф.ШОКИРОВА,
Тошкент тиббиёт академияси катта ўқитувачиси.

OZIQ-OVQAT VA QISHLOQ XO‘JALIGI SOHASIDA STRATEGIK RIVOJLANISH VA TADQIQOTLAR XALQARO MARKAZI

2024-yil uchun doktorantura (DSc) va tayanch doktorantura (PhD) qabul e’lon qiladi

№	Ixtisoslik shifri va nomi	Ajratilgan qabul kvotasi
1	08.00.04 – “Qishloq xo‘jaligi iqtisodiyoti”	doktorantura (DSc) 2
2	08.00.04 – “Qishloq xo‘jaligi iqtisodiyoti”	tayanch doktorantura (PhD) 8

Tayanch doktoranturaga quyidagilarga ega bolgan-lar qabul qilinadi:

magistr darajasiga, oliy malumot togrisidagi diplomga (mutaxassislik dasturlari boyicha) ega bolganlar;
falsafa doktori (PhD) ilmiy darajasini olish uchun disser-tatsiya tadqiqoti asosini tashkil qilishi mumkin bolgan ilmiy natijalar, shu jumladan ilmiy jurnallarda chop etilgan kamida bitta maqola hamda tegishli yonalishlar boyicha ikkitadan kam bolmagan ilmiy ishlar toplamlariga kiritilgan maruza tezislariga ega bolganlar.

Tayanch doktoranturada oqishga talabgorlar quyidagi hujjatlarni taqdim etadilar:

– ariza;
– qisqacha biografik malumotnoma;
– mehnat daftarchasining belgilangan tartibda tasdiqlan-gan nusxasi (ishlayotgan talabgorlar uchun);

– oliy talim muassasasi magistraturasi yoki oliy malumoti togrisidagi diplom nusxasi;
– nashr etilgan ilmiy ishlar royxati (kamida 1 ta maqola va 2 ta tezis) va ularning nusxalari;
– ish joyidan tavsifnoma (Mustaqil izlanuvchilar uchun);
– pasport nusxasi;
– O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Davlat stipendiyasi hujjat nusxasi (mavjud bo‘lsa);
– til bo'yicha milliy yoki unga mos darajadagi xalqaro sertifikat.

Tayanch doktoranturada oqish uchun talabgorlar **mu-taxassislik** boyicha kirish imtihonlari topshiradilar. Doktoranturaga quyidagilarga ega bolganlar qabul qilina-di:

fan nomzodi yoki falsafa doktori (PhD) yoxud ularga tenglashtirilgan xorijiy davlatlarda olingan ilmiy darajalar;

fan nomzodi yoki falsafa doktori (PhD) ilmiy darajasi yoxud ularga tenglashtirilgan boshqa ilmiy darajalar olgan-dan song muhim ilmiy yutuqlarga erishish, shu jumladan, fan doktori (DSc) ilmiy darajasini olish uchun dissertatsiya tadqiqoti asosini tashkil qilishi mumkin bolgan ilmiy jurnal-larda chop etilgan kamida uchta ilmiy maqolaga hamda ilmiy– amaliy konferensiyalar, seminarlar va tegishli ilmiy yonalishlar boyicha ilmiy ishlar toplamlarida kamida ikkita tezisga ega bolish.

Doktoranturada oqishga talabgorlar quyidagi hujjatlarni taqdim etadilar:

– ariza;
– qisqacha biografik malumotnoma;
– mehnat daftarchasining belgilangan tartibda tasdiqlan-gan nusxasi (ishlayotgan talabgorlar uchun);
– oliy malumot, fan nomzodi yoxud falsafa doktori (PhD) yoki xorijiy davlatlarda unga tenglashtirilgan ilmiy darajaga ega bolganligi togrisidagi diplomlar nusxasi;
– tadqiqot mavzusi boyicha ilmiy maruza va fan doktori (DSc) ilmiy darajasini olish uchun tayyorlangan doktorlik dissertatsiyasi rejasining mufassal loyihasi;

– nashr etilgan ilmiy ishlar royxati (kamida 3 ta maqola va 2 ta tezis) va ularning nusxalari;
– pasport nusxasi;
– til boyicha milliy yoki unga mos darajadagi xalqaro sertifikat.

Hujjatlar 2023-yilning 15-sentyabridan 15-oktyabrigacha online tarzda <http://www.phd.mininnnovation.uz/> sayti orqali qabul qilinadi

Tayanch doktoranturaga **kirish imtihonlari** va doktoran-turaga kirish uchun **suhbat 1-25-noyabr davrida** otkaziladi.

Mustaqil izlanuvchilikka talabgorlar ixtisoslik boyicha suhbat natijalariga kora har chorakda 5-mart, 5-iyun, 5-sen-tyabr va 5-dekabr-gacha rasmiylashtiriladilar.

Murojaat uchun manzil: 100140, Toshkent, Universi-tet kochasi, 2-uy, Oziq-ovqat va qishloq xojaligi sohasida strategik rivojlanish va tadqiqotlar xalqaro markazi.

Telefonlar: (94) 611-55-10, (94) 575-91-01.

Селекционер олимлар кўпроқ совуққа бардошли ҳамда кучли илдиз тизимига эга бўлган
ғўза навларини яратишга эътибор қаратишлари зарур

(Боши 1-саҳифада)

Ўзбекистон иқлим ўзгаришига жуда тез берилувчан мамлакатлар сирасига киради. Айтиш мумкинки, дунёда иқлим ана шундай тарзда глобал даражада ўзгариб бора-верса, келгусида республикамиз шароитида ҳам ҳаво ҳарорати-нинг кўтарилиши натижасида қор қопламанинг қисқариши, сувнинг бугланиш коэффицентининг ошиши, ёгингарчиликнинг ноте-кис тақсимланиши, йил давомида умуман ёгингарчилик бўлмаган кун-лар сонининг кўпайиши, тупроқда намликнинг камайиши, атмосфера ҳавосида чангланишнинг ортиши, ҳароратнинг ҳаддан ташқари исиши ва совиши каби аномал ҳолатлар содир бўлади. Бу эса ҳудудларда сув ресурслари тақчиллигининг ку-чайишига, қурғоқчилик хавфининг ортишига, саҳролашиш ва дегра-дация жараёнларининг кучайишига, яшаш ва ҳўжалик юритиш мумкин бўлган ерларнинг қисқаришига, қишлоқ ҳўжалигида етиштириш учун мақбул экинлар таркибининг бутунлай ўзгаришига, қишлоқ ҳў-жалиги маҳсулотлари ва мевалар-нинг нобуд бўлиши ва ҳосилдорлик кўрсаткичларининг тушиб кетишига, аҳоли саломатлиги билан боғлиқ муаммоларнинг кўпайишига олиб келиши мумкин.

Маълумки, иқлим ўзгариши билан боғлиқ ўсиб бораётган гло-бал таҳдидларга комплекс жавоб қайтариш мақсидида 2015 йил 12 декабрда Париж Битими қабул қи-линган. Ушбу ҳужжат 2016 йил 4 ноябрда кучга кирган бўлиб, мазкур битимнинг мақсади Иқлим ўзгариш-лари бўйича доиравий Конвенцияни амалга ошириш ва уни фаоллашти-риш ҳисобланади. Шу ўринда таъ-кидлаш жоизки, 2017 йилнинг 19 апрелида БМТнинг Нью-Йоркдаги Бош қароргоҳида Ўзбекистон Париж Битимини имзолади. Мазкур битим 2018 йил 3 октябрь куни ратифи-кация қилинди. Бунда Ўзбекистон Республикаси иқлим ўзгаришига қарши узоқ муддатли (2030 йилгача) истиқболдаги кураш чора-тадбирла-рини кучайтиришни мўлжаллаган.

Республикамизда чўлланишнинг олдини олиш, ўрмонларни қайта тиклаш ва ихота ўрмонзорларини кўпайтириш, атроф муҳитни муҳо-фаза қилиш, аҳоли саломатлиги-ни сақлаш, экологик хавфсизлиқни таъминлаш каби глобал иқлим ўз-гаришининг олдини олиш ва асо-ратларини бартараф этиш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оши-рилмоқда. Республикамиз қишлоқ ҳўжалигида фойдаланиладиган жами майдоннинг 85 фоизи сугорма деҳқончиликка асосланган. Кейин-ги йилларда кузатилаётган ҳаво ҳароратининг кўтарилиб бориши баъзи ҳудудларда сув ресурслари-нинг тақчиллигига сабаб бўлмоқда. Бу эса қишлоқ ҳўжалиги экинлари-нинг, хусусан, ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва пахта ҳосилига таъсир қўрсатиб, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ҳамда пахтадан юқо-ри даромад олиш имкониятларини чегаралаб қўймоқда.

Кейинги йилларда соҳага бе-рилаётган катта эътибор ҳамда қўллаб-қувватлашлар сабабли пахтачилик илми ҳам салмоқли ютуқларга эришаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Хусусан, ғўзанинг 20 дан ортиқ янги, эртапишар,



ГЛОБАЛ ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ШАРОИТИДА
ПАХТАЧИЛИКДАГИ МАВЖУД МУАММОЛАР ВА
УЛАРНИНГ АЙРИМ ЕЧИМЛАРИ

истиқболли навлари яратилиб, IV тип тола берувчи, пахта тола чиқи-ми 26-31 фоиздан 34-40 фоизгача, узунлигини 20-28 миллиметрдан 32-35 миллиметргача, битта қўсақдаги пахта вазинни эса 3-5 граммдан 6-7 граммгача оширишга, ғўзанинг веге-тация даврини 10-15 кунга қисқарти-ришга эришилди. Ғўзани парвариш-лашда бир қатор ресурстежовчи агротехнологиялар тизими ишлаб чиқилди. Гарчи, юқорида келтирил-ганидек, пахтачилик фанида бир қатор илмий тадқиқотлар олиб бо-рилаётганлиги ва бу борада айрим ютуқларга эришилаётган бўлсада, дунёда, хусусан, республикамизда иқлимнинг ўзгариб бораётганлиги пахтачилик илмида бир қатор ма-салаларни қайта қўриб чиқишни тақозо этмоқда. Пахта етиштири-лаётган майдонларда ёз ойлари айниқса, июл ойда ҳаво ҳарорати-нинг меъёрдан ва ўртача кўп йиллик кўрсаткичлардан юқори бўлаётгани ғўза ҳосилдорлигига сезиларли ра-вишда салбий таъсир кўрсатмоқда. Эътибор берилса, республикамизда ҳар йили чигит ўз муддатида эки-либ, аксарият майдонларда соғлом қўчатлар ундириб олинади. Агро-техник тадбирлар ўз муддатида ўтказилган майдонларда ғўза ба-равж ривожланиб, июн ойининг охирлари июл ойининг ўрталарига қадар ғўзада ўрта ҳисобда 40-50 та (шона, гул, тугунча, 8-10 кунлик қўсақчалар), баъзида ундан ортиқ ҳосил элементлари шаклланади. Одатий қараганда, ҳаммаси рисо-ладагидек кетаётгандек, пахтадан мўл ҳосил олиш аниқдек кўрина-ди. Аммо, июл ойининг иккинчи ва учинчи ўн кунлиги, баъзи йилларда август ойининг биринчи ўн кунли-гида кузатиладиган аномал иссиқ, жазирама ва гармсел шамоллари ғўзадаги мавжуд ҳосил элемент-ларининг (асосан ўрта ярусдаги) 50-60 фоизини, баъзи ҳолатларда 70-80 фоизини тўкиб юборadi. Ҳаво ҳарорати 37-40 даражага етганда, ғўза кийнала бошлайди, ўсимликда рўй бераётган бир қатор физиоло-гик жараёнлар сустлашиб боради, ҳарорат 55 даражага яқинлаш-ганда эса ҳужайра цитоплазмаси қуюқлашиб, унинг ҳалокати содир

бўлади. Ғўза учун оптимал бўлган ҳарорат 30-35 даража бўлиб, ундан кўтарилиши қисман ёки оммавий равишда ҳўжайрадаги оқсиллар-нинг денатурациясига (оқсиллар, нуклеин кислоталар ва биополимер молекулаларнинг табиий хусусия-тининг йўқолиши) олиб келади. Бу эса ҳўжайра осматик хусусиятининг бузилишига, ҳўжайранинг қўллаб-бажарадиган вазифаларининг из-дан чиқишига сабаб бўлади. Қисқа қилиб айтганда, ўсимлик учун юқори ҳарорат рўй берганида нафас олиш жараёнидаги органик моддаларнинг парчаланиши ва сарфланиши улар-нинг ҳосил бўлишидан кўп бўлади. Энг яхши ҳолатда ғўзанинг фақат пастки ярусида бўлиқ шакллан-ган 4-5 дона қўсақ қолади ҳолос. Кейинчалик юқори ярусида қўсақ шакллантиришга ҳаракат қилина-ди, бу аксарият ҳолларда самара бермайди. Буларнинг барчасини ҳаво ҳароратининг меъёрдан юқори бўлиши (аномал иссиқ, гармсел, қурғоқчилик), тупроқда намликнинг етишмаслиги, тупроқнинг эколо-гик ҳолати ҳамда унумдорлигининг ёмонлашганлиги, умуман олганда, глобал иқлим ўзгаришининг салбий оқибатлари деб қараш мумкин.

Пахтачиликда иқлим ўзгариши ортидан келаётган хавфнинг олдини олиш ҳамда бартараф этиш учун пахтачилик илмида фоолият олиб бораётган олимлар ғўза селекция-си ва парваришлаш агротехникаси бўйича нав ва ишланмалар яра-тишда нималарга эътибор бериш-лари керак?

Биринчидан, селекционер олим-лар кўпроқ совуққа бардошли ҳамда кучли илдиз тизимига эга бўлган ғўза навларини яратишга эътибор қаратишлари зарур. Нима учун айнан совуққа бардошли ва кучли илдиз тизимига эга навлар? Чунки, ҳозирда екилаётган ғўза навлари тупроқ ҳарорати +12-14 даража бўлганда униб чиқади. Республика-мизда мавжуд тупроқларда ҳарорат +12-14 даража бўлиши учун ҳавода-ги ҳарорат мунтазам равишда 7-10 кун давомида +20-25 даража бўли-ши керак. Бундай ҳолат аксарият ҳолларда апрел ойда, камдан-кам ҳолатларда март ойининг учинчи ўн

кунлигида кузатилади. Республи-камизда чигит экишнинг энг қизғин даври апрел ойига тўғри келади. Апрель ойда экилган чигит тўлиқ кўчат бериб, аввалига (май, июн ойларида) ўсиш ва ривожланиши меъёрий равишда кечсада, юқори-да келтириб ўтилганидек, айнаи ҳо-сил тўплаш даврида (июл ойи) ҳаво ҳароратининг кескин ошиб кетиши, гармсел шамоллари ва тупроқда намликнинг етишмаслиги сабабли ҳосил элементларини ташлаб юбо-ради. Шунинг учун ҳам совуққа бар-дошли, чигитлари тупроқнинг 5-10 см.ида ҳарорат +8-10 даража бўл-ганда ҳам униб чиқадиған, баҳор ой-ларидаги ҳавонинг нисбатан пастки ҳароратларига бардошли, асосий илдиз қисми тупроқнинг пастки қат-ламларигача чуқур кириб борадиган навлар яратилса, шунда чигитларни апрел ойда эмас, нисбатан эрта-роқ экиш имконияти пайдо бўлади. Бу имконият эса ҳаво ҳароратининг ошиши ҳамда гармсел шамоллари бошлангунга қадар ғўзада ўртача 10-12 дона бўлиқ, етилган қўсақлар шаклланишига, чигитиш муддатини июн ойининг ўзидаёқ яқунлашга, пахта ҳосилини ёгин-сочинларга қолдирмасдан, сентябр ойининг ўзидаёқ йиғиб, териб олишга олиб келади. Бундан ташқари, илдиз тизими бақувват бўлган ғўзалар-да тупроқнинг чуқур қатламларига кириб бориши орқали тупроқдаги захира озика моддаларни ўзлашти-риши, асосийси, ўсимликка намлик керак бўлган вақтда захира намла-ридан фойдаланиш имконияти пай-до бўлади. Бу эса ғўзанинг амал даврида талаб этиладиган маъдан ўғитлар меъёрини 10-15 фоизгача, сугориш сувларини 0,5 мартадан 1 мартагача иқтисод қилишга олиб келиб, ҳосил элементларининг бе-маврид тўкилиб кетишининг олдини олади.

Иккинчидан, глобал исии ва ҳаво ҳароратининг меъёрдан ор-тиқ кўтарилиши натижасида кўп-гина давлатларда, хусусан, респу-бликамизда ҳам сув танқислиги ва қурғоқчилик муаммоси пайдо бўлмоқда. Сугориш сувларининг етишмаслиги қишлоқ ҳўжалиги экинлари, хусусан, ғўза ҳосилдор-

лигига ҳам салбий таъсирини кўр-сатмоқда. Мазкур ноқулай ҳолатни бартараф этиш учун сугориш суви-ни иқтисод қилиш ва фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича республикамиз пахтачилигида сув ресурсларини тежовчи замонавий технологиялардан (қатор орала-рига қора плёнка тўшаб сугориш, эгилувчан қувурлар орқали суғо-риш, томчилатиб сугориш, ёмғир-латиб сугориш ва ҳ.к.) кенг миқёсда фойдаланиш йўлга қўйилди. Ушбу чора-тадбирлар эса пахтачиликда ўз самарасини бермоқда. Бироқ, сугориш сувларини юқори дара-жада тежаш, сув танқислигини янада юмшатиш ва қурғоқчилик-ка барҳам бериш учун юқорида келтириб ўтилган тадбирларнинг ўзи етарли эмаслиги намоеён бўл-моқда. Бунинг учун ғўзани парва-ришлашдаги илмий изланишларни изчил давом эттириб, эътиборни тупроқда намлик захирасини тў-плаш ва уни ушлаб туришга қари-тиш керак. Бунинг учун биринчи навбатда тупроққа асосий ишлов бериш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, ишлов беришда асосан тупроқдаги намликнинг беҳудда исроф бўлишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўриш керак. Биргина кузги бошоқли-дон экин-лари йиғиштириб олинганидан сўнг такрорий экин экиш учун анғизнинг турли чуқурликларда шудгор қи-линиши оқибатида тупроқ юзаси-дан жуда катта миқдорда намлик йўқотилмоқда. Бу эса тупроқ ва парваришланаётган экинларда намлик дефицитини юзага кел-тирмоқда. Шунинг учун тупроққа асосий ишлов беришда имкон бо-рича эътиборни тупроқни ағдар-масдан унга минимал ва нол типда ишлов бериш, тупроқда намликни сақлашга қаратилган технология-ларни ишлаб чиқишга оид илмий тадқиқот ишларини янада кучай-тириш, республикамизнинг ҳар бир тупроқ иқлим шароитига мос тупроққа асосий ишлов беришинг тизимли агротадбирлари ишлаб чиқилиши зарур.

Учинчидан, тупроқда намлик захирасининг нисбатан кўпроқ бўлиши ҳамда ундан фойдала-ниш самарадорлиги яхши бўлиши учун тупроқ унумдорлиги бой ва унда органик қолдиқлар миқдори юқори бўлиши керак. Шунинг учун қишлоқ ҳўжалиги экинларини ал-машлаб экиш тизимига тупроқда намлик захирасини яратадиган ва уни ушлаб тура оладиган, тупроқ унумдорлигини оширадиган ўсим-ликлар турини танлаш, уларни қисқа ротацияли алмашлаб экиш тизимларига киритиш, ёзда кузги бўғдойдан сўнг такрорий экин си-фатида, кузда пахта ҳосили йиғиб, териб олинганидан сўнг оралиқ экин сифатида тупроқда нисбатан экин сифатида тупроқда нисбатан экин сифатида тупроқда нисба-тан маъмурий жарималар қўлланилди.

Мақтабгача таълим ва тибиёт соҳасидаги объек-ларда аниқланган қонунб-узарликларнинг олдини олиш юзасидан “Ягона кўпроқ органик қолдиқлар қолди-радин такрорий ва оралиқ сидерат экинларни танлаш, уларни парва-ришлаш агротехникасини ишлаб чиқиш, тупроқда намликни сақлаш ва унумдорлигини ошириш бўйича кенг қўламли илмий тадқиқот ишла-рини кучайтириш зарур.

Баҳодир ХОЛИҚОВ,

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти бўлим бошлиги,

қ.х.ф.д., профессор.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ
СИФАТИ ҚАНДАЙ НАЗОРАТ
ҚИЛИНМОҚДА?

Юртимизнинг қай бир гўшасига борманг, бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўласиз. Кўп қаватли уйлару ижтимоий соҳа объектлари яхши ниятларда, узоқни кўзлаб барпо этилмоқдаки, кўриб кўзингиз қувнайди ва шу ўринда савол туғилади: бу замонавий уйлар, маҳабатли бино ва иншоотлар қай даражада мустаҳкам, қурилиш ишларининг сифати қандай экан? Беихтиёр шу ва шу каби саволлар хаёлингиздан ўтади.

Албатта, ҳар қандай бино мукаммал лойиҳа асо-сида, мустаҳкам пойдевор устига қурилса, қурилиш ишлари қатъий назорат қилинса, у сизу бизга узоқ йиллар хизмат қилади. Шу боис ҳам юртимизда қури-лиш ишларининг боришини қатъий назорат қилиш тизи-ми ўрнатилган. Худудларда қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциялари ташкил этилган.

Андижон вилояти Қу-рилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси жа-моаси ҳам зиммаларида-ги масъулиятли вазифани муваффақиятли уддалаб келишмоқда. Жорий йил-нинг ўтган даврида амалга оширилган ишларга тўхта-ладиган бўлсак, 2023 йил ижтимоий ва ишлаб чиқа-риш инфратузилмасини ривожлантириш дастури-га мувофиқ, жами 107 та объектидан 99 тасти инспе-кция рўйхатидан ўтказилди ва 713 марта мониторинг қилинди. Ўтказилган назо-рат тадбирлари давомида аниқланган қоидабузар-лик ҳолатлари юзасидан

буюртмачи, лойиҳа ва пуд-рат ташкилотларига 527 та ёзма қўрсатмалар бе-рилиб, “Қурилишда давлат назорати” миллий ахборот тизимига киритилди. Шун-дан 261 та қўрсатмадаги қоидабузарликлар барта-раф қилиниб, 9 та ҳолат бўйича буюртмачи, лойиҳа ва пудратчи ташкилотлар-нинг масъулларига нисба-тан маъмурий жарималар қўлланилди.

Мақтабгача таълим ва тибиёт соҳасидаги объек-ларда аниқланган қонунб-узарликларнинг олдини олиш юзасидан “Ягона кўпроқ органик қолдиқлар қолди-радин такрорий ва оралиқ сидерат экинларни танлаш, уларни парва-ришлаш агротехникасини ишлаб чиқиш, тупроқда намликни сақлаш ва унумдорлигини ошириш бўйича кенг қўламли илмий тадқиқот ишла-рини кучайтириш зарур.

Баҳодир ХОЛИҚОВ,

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти бўлим бошлиги,

қ.х.ф.д., профессор.

МУРУВВАТ УЙИГА 17 НАФАР
ХОДИМ ИШГА ТИКЛАНИБ, МАЪНАВИЙ
ЗАРАР УНДИРИБ БЕРИЛДИ

Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судининг 24.07.2023 йилдаги ҳал қилув қарорига асо-сан, муқаддам меҳнат шартномаси бекор қилинган 17 нафар ходимни ўз вазифаларига ишга тиклаш ҳамда ҳар бирига бир миллион сўмдан маънавий зарар ундириш тўғрисидаги ижро варақаси Мажбу-рий ижро бюронинг Ш.Рашидов тумани бўлимига келиб тушган.

Давлат ижрочисининг ижро ҳаракатлари натижасида Шароф Рашидов туманидаги Жиззах “Мурувват” ноги-ронлиги бўлган шахслар учун аёллар интернат уйида ишлаган ушбу фуқаролар ўз вазифасига ишга тикланиб, ҳар бирига бир миллион сўмдан маънавий зарар тўлиқ ундириб берилди.

Ғайрат МАМАТҚУЛОВ,
Мажбурий ижро бюроси
Жиззах вилояти бошқармаси катта инспектори.

Эълонлар

Никольская Светлана Валентиновна номига 1993 йил 28 январда 01-02/4713 рақами билан берилган хонадонга эгалик ҳуқуқи ҳақидаги Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан бекор ҳисобланади.

“SQB INSURANCE”СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ”
АКЦИДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ
А4 форматдаги 0304961 ва 0300986 серияли
полис бланкалари йўқолганлиги сабабли юридик
кучини йўқотгани ва ҳеч қандай жаворгарлик
олиб боришмаслиги маълум қилинади.

Эълон

ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМий-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ (ПСУЕАИТИ)

Таянч докторантурада (PhD) ўқишга
қабул учун керакли ҳужжатлар
РЎЙХАТИ

- ариза;
- маълумотнома (объективка);
- паспорт копия
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тар-тибда тасдиқланган нусхаси;
- олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат нус-хаси;
- илмий ишлар рўйхати;
- илмий ишлар нусхалари;
- илмий журналларда ва нашрларда эълон қилинган илмий мақолалар сони битта, илмий ва илмий-амалий конференциялар, семинарлар-нинг илмий ишлар тўпламларига киритилган тезислари (камида 2 та) рўйхати ва уларнинг нусхалари;

- миллий ёки унга мос бўлган халқаро сер-тификат (B2-C2 даража бўлиши керак)

Докторантурада (DSc) ўқишга қабул учун
керакли ҳужжатлар
РЎЙХАТИ

- ариза;
- йўлланма хат;
- маълумотнома;
- паспорт копия
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тар-тибда тасдиқланган нусхаси;
- олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат нус-хаси;
- илмий даража;
- тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси

режасининг муфассал лойиҳаси;

- илмий журналларда ва нашрларда эълон қилинган илмий мақолалар сони учта, илмий ва илмий-амалий конференциялар, семинарлар-нинг илмий ишлар тўпламларига киритилган тезислари (камида 2 та) рўйхати ва уларнинг нусхалари;
- миллий ёки унга мос бўлган халқаро сер-тификат (B2-C2 даража бўлиши керак)
- Кириш имтиҳонлари қуйидаги фанлардан олинади:
- Таянч докторантурада (PhD) Танланган их-тисосик бўйича.
- Докторантурага (DSc) Сухбат натижалари асосида.
- Ҳужжатлар PhD.mininnovation.uz сайтига 15 сентябрдан 15 октябргача онлайн жойлашти-рилади.

